

# Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Mustaqillik huquq demakdir

# Ҳуқуқ



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz)

2010-yil 18-mart, №11 (688)

## Долзарб мавзуга бағишланди

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси ва тегишли вазирлик, идоралар ҳамда вилоят, туман ва шаҳар, қишлоқ фуқаролар йиғинларида қўлланилиши ҳолати юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларини атрафлича муҳокама қилиш, ушбу қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тақдир ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, бугунги кунда 176 та махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан 12 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 33 фармони ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 77 та қарори, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган 54 та ҳужжатлари шунингдек, 230 дан ортиқ бошқа қонун ҳужжатлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги у ёки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчиларига мониторинг натижалари, суд идоралари ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ҳамда давлат бошқарув органлари, олий ўқув юртли ва илмий тадқиқот муассасаларидан фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган тақдирлар, статистик таҳлиллар ҳусусида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, Институт томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига оид муносабатларни тартибга солиш бўйича қонунлардаги ҳавола нормаларнинг ҳаётга таъбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни яратиш, соҳани тартибга солишга қаратилган қонунларнинг тегишли нормалари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратишга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда соҳага оид илмий-назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ этиш, тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш каби йўналишлар билан боғлиқ ишлаб чиқарилган тавсиялар муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужжатли суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва бошқа тегишли идоралар ходимлари, олий ўқув юртли ва илмий тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

## Муҳим семинар

Ўтган куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ва Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликда "Суд томонидан амнистия актини қўллаш: назария ва амалиёт" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Тошкент шаҳар суди ҳамда ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тинловчилари иштирок этилди. Жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия актини қўллаш институтини янада такомиллаштириш борасида қабул қилинаётган қонунлар суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида алоҳида ўринга эли.

"Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши тергов ва суд органларининг ваколатларига муҳим ўзгартиришлар киритди.

Семинарда амнистия актини қўллашдаги судья, прокурор ва терговчининг жиноят процессидаги ваколатларига киритилган муҳим ўзгаришлар, шу жараёнда айбланувчининг, гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалаларни амалиётда қўллашнинг самаралорлигини ошириш масалалари муҳокама қилиниб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Алишер АКБАРОВ,  
ОЎҚ ТИНЛОВЧИСИ



## Юртимда саз чалар наврўзи олам...

Фасллар келинчаги баҳорни ҳаммамиз яхши кўрамыз. Негаки бу кўркам фаслда бутун еру кўк яшилликка бурканиб, гўзаллик тимсолига айланади. Беихтиёр кенгликларга интилиб, турналар қайтишини, Наврўз келишини кута бошлаймиз. Мана дунёда неки фазилат, неки яхши ҳислат бор - барини Наврўзга сифат бериб, ориқиб кутган онларимиз ҳам этди келди.

Инсон ўзини ва ўзлигини танитганидан бери табиатта, борлиққа ўз сезги ва муносабатини бирин-бир тарзда билдириб келган. Бу сезги ва муносабатлар даставвал табиат мадҳияси бўлиб янграган. Шарқ халқлари тарихида бу мадҳияни Наврўз мисолида кўрамыз. Зеро, Наврўз одамларни ҳаётда яшаш ва курашга чорлаган, табиат гўзалликлари тилсимотидан хабардор қилган. Шу тўғрисида ҳам ота-боболаримиз Нав-

рўзи замонлар зулмидан, тарих тўфонларидан асраб-авайлаб олиб ўтган.

Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари кеча билан кундуз тенглашган, яъни 21 мартдан 22 мартга ўтар кунни жуда қадимий даврлардан бери янги кун - "Янги йил" ҳисоблаб, қувонч билан қарши олганлар. Қадимий одатга кўра бугедай ундириб қўйиб, сумалак пиширганлар. Наврўзга бағишлаб сайиллар ўтказилган. Кекса-ю ёш кечаси билан ухламасдан, эртак ва ҳикоялар, кўкдам ҳақида шеърлар, қўшиқлар айтишиб, уйин-култу билан байрамни куттиб олишган. Байрам куни турли спорт мусобақалари, ўзаро беллашувлар уюштирилган.

Ўз мазмунида эзу орзу-ниятларни мужассамлаштирган Наврўз туркий халқларнинг ноёб ёлғорлиги "Авесто"да Шарқ халқларининг қадимдан буён нишонлаб

келинаётган байрами сифатида эътироф ва тасвиф этилган. Абу Райҳон Беруний "Қадимий халқлардан қолган ёлғорликлар" китобида Наврўзнинг аҳмонийлар давридан бошлаб аёнанага айлангани ҳақида маълумотлар беради. Унинг таъкидлашича, байрам қилиш муддати фарвардин ойининг олтинчи куни, яъни Катта Наврўзга қадар давом этади. Со-соний подшоҳлари олти кунда олти тоифа халқни қабул қилар ва совғалар тортиқ қилар эканлар. Наврўз куни урушлар тўхтатилган, аразлашганлар ярашган, гина-кудуратлар унутилган, маҳбуслар озодликка чиқарилган.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур "Девону лугатит-турк" асаридида халқимиз минг йиллар олдин баҳор, Наврўз тантаналарига бағишлаб яратган қўшиқлардан намуналар келтирган.

(Давоми 3-бетда)

## Илмий-амалий семинар бўлиб ўтди

Ахрор АБДУЖАББОРОВ,  
ОЎҚ ҲИТОВЧИСИ

Жорий йилнинг 10 март куни Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Қашқадарё вилояти ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари ва Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тергов органларининг вазифалари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ва ТДЮИ профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этидилар. Семинарда дастлабки тергов жараёнида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддасига

ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра, эндиликда терговчи шахсни қамоққа олиш учун судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома билан мурожаат қилиш тартиби белгилаб қўйилди.

2008 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши билан эса, гувоҳнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши институти жорий этилди.

Семинар якунида инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашда дастлабки тергов органлари содир этилган жиноятларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан тегишли қонуний чоралар қўллашга доир қонунчиликни такомиллаштириш борасида тегишли тақдирлар берилди.





/Давоми.

Бошланиши 1-бетда/

Умар Ҳайём ўзининг "Наврўнома" асарида тун, кун, фалак, йил ва фасллар ҳисоби бўйича жадвал келтирди ва куёшнинг Ҳамал буржига кириши, кеча билан кундуз вақтининг тенглашиши йилбоши ҳисобланади, дейди. Бу куёш йили ҳисобига фарвардин ойининг аввалига кеча билан кундузнинг тенглашган вақтида ва кундузнинг узая бошлаши, табиятда жонланиш-баҳорнинг бошланиши даврга тўғри келади. Буни Кичик Наврўз байрами деймиз. Фарвардиннинг олтинчи кунин эса Катта Наврўз байрами деб аталади. Анъанага кўра, Кичик Наврўз байрамидан бошлаб ҳамма нарса амалга кирди. Мунажжимларнинг ҳисобича, осмон 12 буржга, яъни Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асал, Сумбула, Ақраб, Кавс, Жадди, Давл, Ҳут ойларига бўлинади. Биринчи бурж Ҳут-балиқнинг думи ойи, охиригиси эса Ҳамал. Умар Ҳайём "Наврўнома" асарида қадимда Наврўзнинг ўтказиш тартиблари ҳақида маълумотлар келтирди. Мисол учун байрамни ўтказишнинг махсус тартиб-қоидалари мавжуд эдики, уй-жойларни тозалаш, кўчат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш таомил бўлган. Сунгра булар оддий халқ орасида ҳам одат тусига кирган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Кутадгу билиг" ("Саодатга йўловчи билим") китобида Наврўзнинг шундай таърифлайди: "Авал Шарқдан баҳорий насим (шаббод) эсиб келади, бу оламни безаш

# Юртимда сўз чалар Наврўзи олам...

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
журналист

учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг (яъни, қор) кетиб, ерга ифोर тўлади ва ҳаммаёқни алвон-алвон ранг эгаллайди, чунки олам чиройли безанмоқни истаydi. Баҳор наси ми зерикари қишни ҳайлайди, мусаффо баҳор яна ўз ҳукмига кирди. Япроғини тўққан дарахлар яна яшил кийнади, оқ, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанади..."

14-аср бадий тафаккурининг улкан сиймолидан бири Носириддин Рабӯғий "Қисса Рабӯғий" номли асарида Наврўзни шундай таърифлайди:

*Кун Ҳамалага кирди эрса,**келди олам Наврўзи,**Кечти Баҳман - замҳарир қиш,**қолмади қори, бузи,**Кун кела минг кўрки ортиб,**тиридр улмиш жаҳон,**Тонг назирлаб нақш бирлабеза-**нур бу ер юзи.*

Ҳазрат Мулкнинг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий Наврўз шодибенасини илҳом билан маълум этди, шундай сатрлар битган эди:

*Мувофиқ кийдилар, бўлимиш**магар Наврўз ила байрам,**Чаман сарви ёшил хилват ме-*

нинг сарви равоним ҳам.

Хуллас, Наврўзни халқ аънаси сифатида донишмандлар, тарихчилар ва шoirлар чиройли ташбеҳларга маҳ эртанлар.

Келтирилган маълумотлардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, ота-боболаримиз бу кунни неча минг йиллардан буён Йилбоши, янги йилнинг бошланиши сифатида қувонч билан байрам қилиб келганлар. Деҳқонлар яхши ният билан ерга уруқ қалашган.

Аммо тарихда миллатимиз бошига тушган синовлар Наврўз байрамимизнинг бошига ҳам тушди. У гоҳида эътибордан четда қолди, гоҳида диний байрам сифатида таққиланди. Ҳар қандай зуғум ва таъйиқларга қарамай халқимиз ўзининг бу қадимий, мислсиз қадриятини аявлайб, ардоқлаб, қалб тўрида асраб, йиллар, даврлар оша олиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши арафасида Наврўз байрамига ҳам янгидан ҳаёт бағишланди. Юртбошимиз 1990 йилдан Наврўз ҳаётимизга, қалбимизга қайтди. Мана йигирма йилдирик, у руҳиятимизга қувонч ва эзуликлар улашиб келмоқда.

Қишинг рутубатли кунларида Наврўзни соғингандик, унинг келишини интиқлик билан кутгандик. Соғинч туйғуси одамзотнинг энг тоза, самимий, асл туйғуларидан бирилик. Баҳорни соғиниш-олам ўзгаришларини, мусаффоликни қўмсадирик. У инсон ру-

ҳини бегубор этади. Наврўзни соғиниш-эзгуликни, табиат кенгликларини, дала-даштарни соғиниш эканлигини ўйлаганида марҳум шoir Равшан Файзинг қуйидаги сатрлари ҳаёлимдан ўтди:

*эриётир қор,**Қорларга термулиб**эрийдди кўзим,**Ҳоримай соғ-омон келдингми,**бахор,**Келдингми, қадами кутми**Наврўзим.*

Наврўз бир ой давом этиб, бир неча сайиллар мажмуасини ўз ичига олади. Бунга табиат қучоғида яйраб, гўзалликдан баҳраманд бўлиш - "Лола сайли", ҳосилни улуглаш, ризқ-рўз улашиш рамзи бўлган "Сумалак базми", деҳқончилик ишларининг бошланиши, меҳнат рамзи - "Қушчи оинг" маросимлари кирди.

Наврўз таоми-сумалакнинг келиб чиқиши ота-боболаримизга деҳқончилик қилишга эҳтиёт туғилиши билан боғлиқ. Ибтодий жамоа тузуми даврида эрлар ов қилиш, дарахт кесиш, жанг қилиш билан шуғулланганлар. Аёллар эса рўзгор ишлари билан банд бўлишган. Ривоятларга кўра, аёл эрини жангга қуватиб, оч қолган болаларини оқитиш ва ёлтирди. Ҳеч нарса топмаган юриб-юриб кўзи янги униб чиққан мансабга тушади. Майсани қилиб, тағди майдамайда доғлар борлигини кўради. Аёл майсани олиб келиб қозонга солиди ва ичига тош ташлаб қайнатади. У қайнайвериш шундай ширин таом бўладики, болалар маза қилиб ейдилар. Шу тариқа

майса қаригунча сумалак қайта қайта пиширилган. Кейинчалик ота-боболаримиз бу таомни бугун дой экиб, ундириш йўли билан тайёрлаганлар. Халқ бир ой давомида сумалак пишириб еган. Шундай қилиб сумалак Наврўз дастурхонининг азиз, лаззатли ва тансиқ таоми сифатида эътиборланган.

Ҳа, юртимизда баҳор байрами, қўқлам қўшиғи Наврўзи олам сўз чалмоқда. У халқимиз ҳаётида теран илдиш отпан. Наврўз баҳона бугун ҳар бир хонадонда, маҳалларда, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида дастурхонлар тўқин-соқин. Уйин-қулғу, шоду ҳуррамлик авжида. Бобо ва момоларимиз қўлларини фотихага очиб, шуқроналик билдирадилар: "Илоҳим, кунларимиз ҳамаша Наврўздай шодибенасини ўқини, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўқин-соқин бўлсин. Ёмонлик қўрмайлик".

Наврўзнинг кунларимизга шуқуқ, қалбларимизга бахтиёрлик олиб келгани рости бўлсин. Ана шундай шодибенасини кунларда фақат яхши сўзлар, тиллақлар билдиригинг, эзгуликлар ҳақида сўзлагинг келади. Чунки Наврўз бизни табият бағрига янада яқинлаштиради. Ундай барча гўзалликлар инсон учун, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, юксалиш ва фаровонлик учун хизмат қилишига эътиқоду ишончимизни оширади. Шунда беҳиштиёр таниқли шoir Жуманиё Жабборовнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

*Наврўз келибон жумлаи**жаҳон ноэланажақдир,**Офтоб қизитиб,**аста-секин ёэланажақдир.*

## Наврўз қандай байрам?

Буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ўз ғазалларидан бирида "Ҳар туннинг қадр ўзбон, ҳар куннинг улсин наврўз" деб эсанлар.

Беруний бобомиз эса бундан минг йил аввал яратган "Ҳиндистон" номли асарида "Ҳар бир халқнинг улум ва анъаналари ўша халқнинг ўз йиллар давомида шаклланган турмуш тарзининг ифодаси" эканлигини таъкидлаб ўтган. Бирок байрам шунчаки, ўйин-қулғу, хурсандчилик эмас, аксинча, у халқнинг тарихи, маданияти ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган жиддий ижтимоий ҳодисадир. Биз учун ва бошқа Шарқ халқлари учун Наврўз худди шундай байрам. У биз учун кеча ва кундузнинг тенглашуви, еринг экин экишга тайёр бўлиши, дов-дарахтларнинг гуллаши, худлас, янги кун, янги фаслнинг бошланиши. Қадимги Шарқ афсоналаридан бирида айтилишича, қадимги Эрон шоҳларидан бўлимиш Жамшид шу кунни пошбо бўлиб тахтага ўтирган экан. У ўзига шохона тахт ясаёттирик, ҳар хил қимматбаҳо тошлар қадланган, турли дур-жавоҳирлар билан безанган тоқини бошига қийиб, тонг маҳалда тахтага ўтирган. Шу пайт қўёш чиқиб, заррин нурлари Жамшиднинг тахтини ерирган. Бунин тевагар-атроф нурафшон бўлиб кетган. Бунин қирган халқ ажабланиб, бу кунни Наврўз, яъни янги кун деб атаган экан. Бу албатта афсона. Наврўз ҳақидаги барча афсоналарга яхшилик ёмонлик устидан ғайба қоронди. У халқимизнинг ақлий улуми, тириклик ва ёрувлик айёми сифатида ардоқланиб келади. Унинг Исом динига ҳеч

Йўлдош ПАРДА  
"Huroq"

қандай алоқаси йўқ, чунки бу байрам Исом дини ноил қилинишидан илгари ҳам байрам қилинган. Қизини шундаки, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган Наврўз бу улқаларга Исом дини киритилганидан кейин ман қилинган, аммо халқ ўз севаган байрамини нишонлашда давом этган.

Шўролар замонида қўлаб миллий қадриятларимиз қатори Наврўз ҳам бир чеккага суриб қўйилган эди. Уттизинчи йиллар қатноғидан бир қадар эсон-омон ўтиб, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бироз жонлангандек бўлган Наврўз саксонинчи йилларда келиб, тагин қувини остига олдинди. Саксонинчи йилларнинг бошида ШКНнинг маълум ва машум ўн олтинчи пленуми бўлди. Исом дини туширилишидан анча аввал мавжуд бўлган Наврўз "диний байрам" сифатида қатгоғига учради. Балзи чала-савол олимлар уни ҳатто Муҳаммад пайгамбарнинг туғилган кунини деб ҳам аташди. Исо пайгамбар туғилган кун бўлимиш 25 декабрь, яъни Рождество қарийб барча Европа давлатларида, Янги йил, яъни биринчи январда, Шуўролар Иттифқида ҳам, Ўзбекистонда ҳам байрам қилинган бир пайтга динга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Наврўз ман қилинди. Маълумот учун айтиш мумкинки, Наврўз Муҳаммад пайгамбар туғилган кун эмас, Муҳаммад пайгамбар Исо алайҳиссаломдан 571 йил кейин Раббуул аввал ойн-



нинг 12 санасида, душанба кунини тонг пайти дунёга келган ва ҳозирги ҳисоб билан 632 йил 8 июнда Мадинада вафот этган. Юқорида айтилган Раббуул аввал ойнининг 12-санаси ҳозирги ҳисобимизда 571 йил 20 апрель душанбага тўғри келиши кўпгина Исом олимлари томонидан айтилган. (Раҳ-матуллоҳ қори Обидов. Пайгамбарлар тарихи исломнинг тарихидир).

Наврўз байрамни ҳақидаги илк маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва бошқа асарларида, Умар Ҳайёмнинг "Наврўнома" асарида учрайди. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лувотит-турк" асарида Наврўзга бағишланган халқ қўшиқлари келтирилган.

Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча халқлар ҳам бу кунни янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан қутиб оладилар. Бир неча кун илгари тайёрларлик ишлари

бошланади. Бугдой ундиришга қўйилади ва унинг майсасидан сумалак тайёрланади. Қўқат чувчара, янгиб сомса каби тумлар пиширилади, отчопар, қўпқари, қураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилади, баҳор ҳақида қўйиқлар қўйланади. Наврўзнинг биринчи кунни қишлоқ жойларида болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар шиги олдида Наврўзга бағишланган қўшиқ айтади. Хонадон эгаси уларни совға-салом ва егуликлар билан сийлайди. Болалар егуликларнинг бир қисминини қишлоқдаги бева-бечораларга улашади. Бу улум ҳозир Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларининг айрим қишлоқларида сақланган қолган. Наврўз янги йил байрамиданга бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистонда 21 март дам олиш кунини деб эътибор қилинган. Барчамизга Наврўз байрамни муборак бўлсин.

## Одам савдоси — глобал муаммо

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайдан бошлаб Юртбошимиз бошчилигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, айрим жиноят турларининг ортиши ҳам кузатишмоқда. Тегишли чора-тадбирларнинг фаоллаштирилганлиги натижасида одам савдосига оид жиноятларнинг фойдалиги кўпайди.

Одам савдоси — инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган транснационал уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир. Бу жиноятлар чегара танламаслиги ҳамда домига асосан ёшларни, аёлларни тортаётгани билан барчада катта таъвоил ва ҳавотир уйғотмоқда.

Жиноятчилар учун эса бу фаолият сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 млрд. АКШ долларидан ошмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 минг инсон одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минггача аёллар ва болалар айллов йўллари билан чет элларга олиб келилиб, сотиб юборилимоқда.

Афсуски, бундай ҳолатлар ораси-бундан, республикамизда, шу жумладан Тошкент шаҳрида ҳам учраб турибди, фуқароларимиз турли айллов ва фирибгарликлар таъсирида одам савдоси қурбонига айланмоқдалар.

Ўзбекистон фуқаролари фоҳиша сифатида фойдаланиш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Италия давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса — Қозғистон ва Россияга олиб чиқиб кетишмоқда.

Республикамизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида қандай ишлар амалга оширилган ва бу фаолиятни кучайтириш учун келгусидаги вазифаларимиз нималардан иборат?

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Авалло, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг нолегал траффинга қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатларни содир этганлик учун жи



нойий жавобгарлик белгиланди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 135-моддаси шахсининг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган. Ушбу модда 2008 йил 15 сентябрдаги Ўзбекистон қонунига биноан яна таҳрирда қабул қилинди ва унда мазкур жиноятни содир этилганлиги учун юқлатилдиган жазо чораси бирмунча кучайтирилди.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Транснационал уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазоланиш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш билан бирга, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Республикамиз Президентининг томонидан 2008 йилнинг 8 июлида қабул қилинган "Одам

савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорга мувофиқ, Республика Идорапаро комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 240-сонли қарорига биноан Тошкент шаҳрида 2009 йил 18 ноябрь кунини Республика реабилитация маркази ишга тушиди ва ҳозирги кунга қадар 50 нафардан ортиқ жабрдийдалар ушбу муассасида тегишли тиббий, психологик ва юридик ёрдам олдилар.

Республика Идорапаро комиссиясининг миллий тадбирлари режасига биноан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оmmasига тушуштириш борасида тарғибот ишларини амалга оширишда шаҳар ҳокимияти, ҳуқуқий муҳофаза этувчи органлар ҳамкорлигида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, ўқув юртлари, мактаб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, махалларда суҳбат кечалари ўтказиш чоралари кўрилди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида барча туман марказлари серқатнов кўчалари, болзорлар атрофида, темир йўл вокзаллари, метрополитенда ҳамда аэропорт йўналиши бўйича йўл трасасида одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар ва унинг оқибатлари мавзуларидаги рангли тасвирли баннерлар ўрнатилди. Бундан ташқари кичик ҳажмда

Мирзохид ОБИДОВ,  
Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари

га плакат ва буклетларни Тошкент шаҳар маҳалла жамғармаси, Тошкент метрополитени, урта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда халқ таълими бошқармаларига тарқатиш чоралари кўрилди.

Шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган жадвал асосида пойтахтдаги мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, маҳалла жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маънавият" ва тарғибот маркази ходимларига "Туркстон" саройида "Тортадурман жабрини" спектакли намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимиятида давлат тузилмалари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари иштирокида одам савдосига қарши курашиш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мавзусидаги семинар тренинг мавзулотлари ўтказилди.

2009 йил мобайнида Тошкент шаҳрида одам савдоси билан боғлиқ 155 нафар шахсга нисбатан 92 та жиноят иши қўзғатилган. Терговда 183 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шундан 109 нафари аёллар, 70 нафари эркаклар ва 4 нафар воята этмаган ўсмирлар одам савдоси билан боғлиқ жиноятда жабрланганлиги аниқланган. Жиноятларни 32 таси хорিজда иш билан таъминлаш ваъдасида, 60 таси фоҳишаларда фойдаланиш мақсадида содир этилганлиги қайд этилган. Жабрланган фуқароларни Россия Федерацияси, Қозғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, ХХР, Покистон, Сурия, Ҳиндистон, Туркия ва Ливан давлатларига аллаб олим кетилганликлари аниқланган.

Жиноят ишларининг тергов натижаси бўйича 125 нафар айбонлар шахсларга нисбатан жиноят ишлари айбон ҳулосалари билан сулларга юборилган ва улар юзасидан судларнинг қонуний қарорлари қабул қилинган.

Энг ачинарлиси шундаки, жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 15 нафари муқаддам

судланган, шундан 7 нафари муқаддам одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган решидивистлар экан.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун жиний жавобгарликка тортилганларнинг 7 нафари Алжир, Россия Федерацияси, Украина ва Қозғистон Республикаси фуқаролари бўлганликлари аниқланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари С.Басирова, Э.Арифова ва Ш.Базаровалардан фоҳиша сифатида фойдаланиш мақсадида уларни айллов йўли билан Қозғистон Республикасига олиб кетишда Г.Қупцова, О.Ибрагимова ва бошқалардан иборат уюшган жиноий гуруҳ фаолият кўрсатган.

Аҳолининг бандлигида оид қонулар ижроси устидан назоратни кучайтириш ва бу борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб, унинг ижросини таъминлаш одам савдосига қарши курашишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тарғиботи ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисидаги ПК-1046-сонли қарорига белгиланган асосий устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида Одам савдосига қарши кураш бўйича ҳудудий идораларо комиссиялари билан ҳамкорликда ўтган йилда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида махсус умумшаҳар ярмаркалари ўтказилди. Жумладан, 25-26 март кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида, 29-30 июль ва 7-8 октябр кунлари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

2009 йил мобайнида 74140 та янги иш ўринлари яратилди, шундан янги объектларни ишга тушириш ҳисобиغا 1138 та, мавжуд ишлаб чиқариш қорхоналарини қайта қуриш, кенгайтириш ҳисобиغا 4205 та, кичик қорхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобиغا 40328 та, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобиغا 11575 та, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобиغا 356 та ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобиغا 119 та иш ўринлари яратилди.

Тошкент шаҳри бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун туман ҳокимлари қарорларига асосан 648 та қорхонада 12423 та, шу жумладан, ноғиронлар учун 4130 та махсус иш жойлари барпо этилган. Бу иш жойларига жами 8916 нафар фуқароларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилди.

Одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш борасида Тошкент шаҳар ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари томонидан белгиланган тадбир ва режалар асосида ишлар олиб беришмоқда.

## "Дубайга олиб кетаман"

Озода қийнаиб юрган кунларининг биринчи охирида Дилдора исмли аёл билан танишиб қолди. Улар биргаликда тушлик қилишди.

— Яқинда Россиядан келдим, яна бирор чет элга кетмоқчиман, — деди Дилдора суҳбат чоғида.

— Россияда қанча тоғларингиз? — қизидиқ сўради Озода.

— Ойинга 500 доллар топардим. Аммо бу менга камлик қилапти. Шу сабабли бу сафар бошқа давлатга кетмоқчиман.

— Мени ҳам ўзингиз билан олиб кетинг, опаҷон. Битта ўғлим бор. Боламнинг ордуҳавасини кўришим учун яхшироқ иш топишим керак, — деди Озода.

Озданинг гапидан чет элга кетиш учун пули йўқлигини ва ҳеч қасрда ишламаётгани

С. АШУРОВ,  
Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси  
С. НАБИЕВ, журналист

нинг билган Дилдора: "Ўқиб кўрай, кейин сизга жавобини айтман", деди. Шундан сўнг улар деярли ҳар кун учрашадиган бўлишди. Озода бора-бора аёлга астойдил ишона бошлади.

— Сизни Дубайга олиб кетаман. У ерда қарияларга қарайсиз, — деди Дилдора бир сафар.

Озода рози бўлгач, унинг паспортини олди. Бу орада Дилдора Гули исмли танишини учратиб қолиб, унга ҳам иши топиб беришни ваъда қилди.

— Тайёргарлигингизни кўраверинг, сиз



учун ўзим виза очтирмаман. Йўл харажатини ўзим тўлайман. Бу пуллари иш топганидан сўнг менга қайтаришингиз керак. У ерда фарошилик ёки бошқа ишлар билан шуғуллансангиз яхши маош ололмайсиз. Шунинг учун фоҳишалар билан шуғулланасиз. Дубайда менинг Холла исмли дўстонам бор. У ҳаммасини сизга тушуштирилади. Фақат ақинларингизга бу ҳақда ҳеч нима деманг, охирида ишланман деб қўйсангиз бўлди.

Озода аёлининг асл мақсадини тушуниб қолди-ю, нима қиларини билмасдан, ҳамма гапларига "ҳўп" деб тўраверди. Аслида у фоҳишалар ортидан пул топмоқчи эмасди. Аксинча, ҳалол меҳнат қилиб, даромад қилмоқчи эди...

Буни вақтида англаган Озода ақинлардан маслаҳат сўради.

— Нима қилардингиз? Бундай пайтда ИИБга хабар бериш керак, — деди бир танишини.

Шундан сўнг Озода ИИБга бориб, ҳаммасини айтиб берди.

Келишилган кунини Дилдора қизлар билан бир таксини гаплашиб, Тошкент шаҳрига йўл олди. Аммо уларнинг сафари хайрли кечмади, йўлда ИИБ ходимлари тўхташтиди.

Судда Дилдора Жалилова ўз айбини буйига олиб, қилишидан пушаймонлигини билдирди. Озода Собиронининг ҳушёрлиги туфайли эса яна бир одам савдосининг олди олинди. Қани эди, хорижга ишга кетишни истётган бошқа ватандошларимиз ҳам худди шундай эҳтисоткор бўлишса. Бекорга: "Ўзоқнинг ноғидан, ақиннинг сомони яхши", дейишмаган-ку!





2010 йил — Баркамол авлод йили

# Оилалар тинч бўлсин

Шухрат РАХИМОВ,  
Чиноз туман прокурори

Хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятида адолат ва қонун устуворлиги эришиш энг муҳим шарт ҳисобланади. Қонун устуворлиги замирида эса фуқароларнинг хуқуқ ҳамла қонуний манфаатлари муҳофазаси мужассамдир. Биз ана шундай жамият куриш йўлидан борар эканмиз, бу борадаги имкониятлардан унумли фойдаланиб, эртанги кун пойдеворини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Бу эса, энг аввало ҳар бир инсоннинг оиласида, ён-атрофдагиларга бўлган илқ муносабатидан бошланади. Зеро, баркамол авлод оилада камол топади.

Хаёт ҳар доим ҳам бирдек, ҳисоладагидек кетавермайди. Гоҳида билиб, гоҳида эса билмасдан қилинган хатти-ҳаракат, баъзан эса тақдир тақозоси ила оилада тинчликнинг бузилиши мумкин. Мамлакатимизда бу каби вазиятларда оиланинг бўлиб кетиш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор хуқуқий механизмлар ишлаб чиқилиб, амалда бу ўзининг ижобий самарасини берган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳам катта бир оила деб тасаввур этса бўлади. Бунда ҳам ўзаро ҳурмат ва тартиб-интизом бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаб бўлмайди. Бунинг эса бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки бу орган ўз ҳудудида, энг аввало, тинчлик-осойишталикни, тозаллик ва ободончиликни, ер, мулк, бандлик, касаначилик ва шу каби бир қанча масалаларни ҳал этиш билан бирга, шу ҳудудда истиқомат қилиб келаётган ҳар бир шахс манфаатлари ҳимоясини таъминлаш вазифаларини бажариб келади. Органнинг ўз олдидagi вазифаларини бажаришда маҳалла фаоллари ҳисобидан турли йўналишлар бўйича комиссиялар ҳам фаолият кўрсатади.

Мазкур комиссиялар фаолияти яхши йўлга қўйилган маҳаллаларда бирдамлик, осойишталик, фаровонлик, тинчлик доимо ҳукмронлик қилади. Хусусан, яраштириш комиссиялари ҳудуддаги оилаларнинг мустаҳкамлиги, тўй ва бошқа маросимларнинг ўтказилиши, оилалардаги ижтимоий-руҳий вазиятнинг мўътадил бўлиши учун мазкур бўлган асосий тузилмадир.

Оила давлатнинг таянчи, республикамизнинг буюк келажagini яратишда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш иши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир. Халқимизнинг аъналарига таянган ҳолда никоҳдан ажралишлар ва оилаларнинг барбод бўлишига имкони борича йўл қўймаслик, бу борада илғор тажрибалар ҳамда прогрессив илмий ёндашувлардан кенг фойдаланиш яраштириш комиссиялари фаолиятининг асосий тамойилларидир.

Майлукми, мазкур комиссияларга фуқаролар йиғини оқсоқоллари ёки уларнинг ўринбосарлари раислик қиладилар.

Яраштириш комиссиялари таркибига хотин-қизлар қўмитаси раисаси, милиция ҳудудий инспектори, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи милиция инспекторлари, ҳудуддаги мақтаблар инспекторлари директорлари ёки уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг бошиқлари, имом-хатиблар, фахрийлар ва нурунийлар киритилади.

Яраштириш комиссиялари ҳудудда соғлом турмуш тарзини кенг тартиб-ташвиқ қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларида бўладиган тадбирларда, йиғилишларда иштирок этиб, уларда ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандликнинг оилавий низоларининг асосий сабабларидан бири эканлиги, оилаларнинг тўксислиги, уларнинг тинч-тотувлигига боғлиқ эканлиги тўғрисида чиқишлар қилади.

Ҳудуддаги намунали оилалар, уларда фарзандлар тарбияси, эр-хотинлар ҳамда фарзандлар орасида муносабатлар бўйича оммалаштиришга аризулик масалалар тўғрисида маҳаллий матбуотда мақолалар бериб боради.

Тўй, маъракаи ва улар олдинда ҳамда улардан кейин ўтказиладиган бошқа тадбирларни ортқича дабдабаларсиз ўтказиш, ортқича сарф-ҳаражатлар оила турмушида салбий ўз қолдириши, оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб боради.

Маҳаллаларда, кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олади. Инсон қадр-қимматини таҳқирлаб, кўчаларда маст ҳолда юрвчи шахсларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида уларни оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилиш чораларини қўлади.

Спиртли ичимликларга ружу қўйган ва гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган шахсларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда мажбурий даволинига юбориш чораларини қўлади.

Милиция ҳисобида турган, айниқса илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда хуқуқбу-

зарликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик иш олиб боришда иштирок этади. Зарур ҳолларда уларнинг хуқуқ-атвори ва турмуш тарзини ўз мажлисларида муҳокама қилади.

Албатта ҳар бир инсон ҳаёт йўлини ўзи танлайди. Бироқ, гоҳида билиб, гоҳида эса билмасдан қилинган хатти-ҳаракат сабабли айрим инсонларнинг ҳаёти издан чиқиб, боши берк қўчага кириб қолади. Бундай вазиятларда бу каби инсонларга бироз малад, тўри маслаҳат сув ва ҳаводек зарурдир. Шу мақсадда яраштириш комиссиялари жазони ижро этиш муассасаларидан овоз этилган шахсларнинг оилаларига қайтишларини назорат қилиб, уларга турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан муносабатларини тиклашда, ҳалол меҳнат билан кун кечирishiга тезроқ киришишда руҳий жиҳатдан малад беради.

Турмуш ўртоғи, фарзандлари ёки кекса ота-онаси билан мунтазам равишда нотинч яшаётган ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасида хуқуқбузарлик содир этишига мойил шахсларни аниқлаш мақсадида ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ва муҳитини чуқур ўрганиб боради. Турмуш давомида қийналиб қолган, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларни аниқлайди, уларга ўз даромадларини ошириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатади, қўшимча вақтга ёки ишбай, шунингдек уй шaroитида ишлаш, хунар ўрганиш, ка-

саначилик билан шуғулланиш бўйича имкониятлар яратиш чораларини қўради. Бундай оилаларга белгиланган тартибда ижтимоий ҳамда моддий ёрдам кўрсатилиши тўғрисида тақлифлар киритилади.

Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади. Уларнинг ижтимоий ҳаётда, оилада маънавий-ахлоқий, шунингдек руҳий муҳитини шакллантиришдаги, ёш авлоднинг тарбиялаш ишидаги мақдони оширишга қаратилган кенг қамровли ишларни амалга оширади.

Миллий қадриятларимизга зид ҳолда ахлоқ-одоб доирасида ноҳўя хатти-ҳаракатларга йўл қўётган шахсларни, айниқса аёлларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни қўришда фуқаролар йиғинларига фаол қўмақлашади.

Оилавий жанжаллар оқибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, қайнона ва келин, қўни-қўшинлар ўртасидаги бузилган муносабатларни тиклаш чораларини қўради.

Оилавий жанжалларнинг сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Яраштириш комиссиялари аъзолари ўз иш фаолияти жараёнида фуқаролар билан хушмуомала, ҳар икки тараф ўртасида холис бўлишларни шарт. Бунда албатта, фуқароларнинг инсоний қадр-қиммати ерга урилишига, шахснинг эркинликларини бузилишига, шунингдек одамларнинг фурури поймол этилишига йўл қўймайди.

Қўни-қўшинларни, эр-хотинларни, ота-она ва фарзандларни, қайнона ва келинларни ўзаро яраштириш жараёнида комиссияга аён бўлган оилавий ёки шахсий сирлар ўзгаларга ошкор қилиниши қатъий тақиқланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, оила тинч бўлса, ишда барака, унум бўлади. Оилалар соғлом муҳит эса, ҳар томонлама етук, баркамол фарзандларни тарбиялашга таъсирини кўрсатмай қолмайди.



Карима НУРМАТОВА,  
Зулайхо ҲАФИЗОВА,  
Тошкент юридик коллежи ўқитувчилари

## Баркамол авлод — келажакимиз пойдевори

Бугунги кунда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз томонидан йилларнинг "Соғлом авлод йили", "Ёшлар йили", жорий йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номланиши ҳам ёш авлодга эътиборнинг оқорилигидан далолатдир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидек Президентимиз Ўзбекистон келажак буюк давлат дея таъкидлаганларида ёшларга катта ишонч билдирган эди. Чунки ёш авлод мамлакатимиз келажак, уларга эътибор келажакимизга эътибордир.

Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кўннинг 17 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида "Соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор", деб таъкидладилар.

Ёшларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий жиҳатдан ўсиши ва халқ манфаатлари йўлида камол топиши учун ёш фуқаролар ва уларнинг оилаларига бериладиган қарорлар муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам инсон ва унинг келажакига бўлган ғам-хўрликнинг ажойиб намунаси сифатида мустақил мамлакатимиз тарихи зарурақларидан муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Ёшлар ҳаётида, турмуш тарзида катта ўзгаришлар ясайдиган бу тарихий ҳужжатда ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларга ўзи қўрган янги оила учун гурур ва масъулият ҳиссини синдириш, ота-оналарга, кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром билдириш, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

"Баркамол авлод йили" давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент фармойишида "Ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг хуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлоднинг тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўлини бўлган фарзандлар шах сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қўриш учун зарур шароитларни яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келётган тубан "оммавий маданият"нинг турли иллатлари ҳавф ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш" ҳақида тўхталиб ўтилган. Дарҳақиқат, бу вазифалар давримизга ке-

либ ўта долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор йилдан йилга ортмоқда. Уларнинг ўқиши, илми бўлиши, хунар ўрганиши, Ватан равақи йўлида муносиб ўил-қизлар бўлиб етишувидан масъулият янада кучаймоқда.

Юртимизда миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мақдони, жинси, маълумоти ва эътиқодидан қатъий назар, ёшларга ғамхўрлик кўрсатилади. Хуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш қафолатланиб, ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда.

Умид қиламизки, ёшларимиз бундай эътибор ва ғамхўрликлардан унумли фойдаланиб, юрт истиқболни йўлида ўзларининг билан ва салоҳиятини аямайдилар.



# Ижро тизими такомиллаштирилди

Мамакатимизда ижро иши юриштига оид ислохотлар ҳам ижтимоий муносабатлар ривожига мос равишда бошқича-бошқич олиб борилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, суд қарорларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга оид ислохотлар ташаббускори айнан Юртбошимизлар. Муҳтарам Президентимиз 1996 йил 29 августда биринчи қаҳриққ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

2001 йил 29 августда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солуви "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. Чунки ушбу қонун билан махсус орган - Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва моддий таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Соҳада амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, Суд департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишларининг самардорлигини ошириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлашда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Бироқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Суд департаментига суд қарорларини ижро этиш бўйича бир қатор вазибалар, хусусан, бюджет олдидagi боқиманда қарзларнинг қардорнинг мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундириш, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёки сотиш, моддий жарималарни тadbиркорлик субъектларидан суд тартибда ундиришни юкланиши эвазига суд ижрочилари иш ҳақининг кескин озиб кетишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида, суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизими самардорлигини оширишга хизмат қилувчи янги механизмни яратиш, ижро ишини юриштиш, қарздорларнинг мол-мулкни, шу жумладан, қўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситаларини сотиш, ташкилий ва кадрлар билан ишлаш масалаларини янада такомиллаштиришнинг тақозо этди.

Ушбу масалаларга ечим топиш мақсадида Узбекистон Президентининг 2006 йил 31 августдаги ва 2007 йил 1 ноябрдаги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларни ижро этиш юзасидан суд ижроси тизимини ташкилий ва тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта қўриб чиқилди.

Ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий юридик таълим муассасалари ўқув дастуридаги "Ижро иши юришти" мустақил факи киритилди. Ошкораликни таъминлаш, суинестмоликларнинг олдини олиш мақсадида хатланган автототранспорт воситалари ва қўчмас мулкни биржаларда оқиқ

кимосиди савдолари орқали сотишнинг янги тартиби, ушбу мол-мулк сотувини амалга оширувчи баҳоловчиларни ва савдо ташкилотларини танлов асосида саралаб олиш механизми жорий қилинди.

Давр талаби мажбурий ижро этиш механизмни янада такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товланган ва тўсқинлик қилган қарздорларни жавобгарликка тортишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратиш, ижро жараёнида суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини янги бошқича кўтаришнинг тақозо этди.

Суд департаменти томонидан олиб борилган изчил фаолият самараси ўлароқ, Узбекистон Республикасининг "Ижро иши юришти" такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни тасдиқланди ва 2009 йил 15 январдан қўчга кирди.

Мазкур қонунни тайёрлаш жараёнида мажбурий ижро соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳалқор вазибалар таҳлили натижалари ҳисобга олинди. Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал, Ер, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Узбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ва "Банкротлик тўғрисида"ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонун билан киритилган асосий ўзгариш ва қўшимчалар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, Жиноят кодексининг 232 ва 233-моддаларининг олдинги таҳририда фақат мансабдор шахсларнинг суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун жавобгарлиги белгиланган бўлиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлик масаласи кўзда тутилмаган эди. Жиноят кодексининг кўрсатилган моддаларига фуқароларнинг жавобгарлиги масаласи киритилди.

Авалги таҳрирда "Суд қарорини бажармаслик", деб номланган ЖКнинг 232-моддаси битта қисмдан иборат бўлиб, мансабдор шахсининг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасдан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳўққдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши тарзида баён қилинган эди.

Ушбу модданнинг диспозициясига кўра, ўрганилаётган жиноят учун фақат мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши назарда тутилган бўлиб, ушбу қилмишни биринчи марта содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланилиши мумкин эмас эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун асосида Жиноят кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларда эса суд ҳужжатининг бажарилишига учун нафақат мансабдор шахслар, балки олий фуқароларнинг ҳам жавобгар бўли-

ши назарда тутилди. Бундай ўзгариш ушбу жиноятни квалификация қилиш билан боғлиқ камчиликларга барҳам беради.

Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги 232-моддаси биринчи қисмида муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур модданнинг иккинчи қисмида эса ушбу қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳўққдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Суд ҳужжатларини бажармаслик ижтимоий ҳафли қилмиш сифатида ЖКда мустаҳкамлангани унинг жамият, аниқроғи, ҳокимиятлар тақсимланшининг мустақил бўлини, давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи, фуқаролар ҳимоёти бўлиши одил судлов институти манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳланади.

ЖКнинг 232-моддаси биринчи қисми бўйича жиноятнинг субъекти муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажариши лозим бўлган субъект ёшига етган ҳар қандай шахслар бўлади. Иккинчи қисми бўйича эса жиноятнинг субъекти фақат мансабдор шахслар суд ҳужжатларини бажариш ваколатлари доирасига кирувчи ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, хатланган мол-мулкнинг мақсади ишлатилишини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексига банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан хатланган пул маблағлари билан банк операцияларини амалга оширганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланди.

Иккинчидан, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 82-моддасида қарздор томонидан ижро ҳужжатини ихтиёрли бажариш учун белгиланган муддатларда ижро этмагани учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган эди. Шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишнинг процессуал тартибига риоя қилиш, маъмурий жавобгарлигининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ушбу модда талаби Узбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшилди.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2009 йил 22 сентябрдаги қарздор, Сурхондарё вилояти "Автотхизмат" АЖ ҳисобида ундирувчи Қ.Жураназаров фойдасига 9.681.140 сўм қарз ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича ижро ҳужжати талабин бажариш учун қарздорга бир кунлик ихтиёрли муддат берилган. Лекин қарздор томонидан ижро ҳужжати талаби ихтиёрли берилган муддатда бажарилмаган ва суд ижросини томонидан қарздорга нисбатан Узбекистон Рес-

публикаси МЖТКнинг 198-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг ўн беш баробари миқдорда жарима жазоси қўлланилган ва жарима тўлиқ ундирилган.

Учинчидан, суд ҳужжатини ижро этмагани учун қарздорга жавобгарлиқни қўллашда бир хиллики таъминлаш ҳамда битта ҳўққбузарлик учун жавобгарлик турларининг такрорий қўлланилишига йўл қўймалик мақсадида Хўжалик ва Фуқаролик-процессуал кодексларида назарда тутилган жавобгарлик турлари чиқариб ташланди.

Тўртинчидан, мазкур қонун билан мажбурий ижро этиш механизмлари ва суд қарорларини ижро этишдан бўйин товланган шахсларга нисбатан таъсир чоралари батафсил баён қилинди.

Жумладан, ижро амалиётида қарздор жисмоний шахсининг Узбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши ижро ҳужжати ижросини сезиларли даражада қийинлаштириши инобатга олинди. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ва "Узбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги қонунлар қарздорнинг Узбекистон Республикасининг ташқарига чиқиб кетишини белгиланган алоҳида тартибни қўйиладиган алоҳида модда билан тўлдирилди. Унга кўра, суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан уэрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, суд ижросини ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахсининг Узбекистон Республикасининг ижросини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақи.

Бу борада ҳам ҳудудий бошқарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлар бўйича Шеробод туманлараро судининг 2004 йил 21 сентябрдаги қарорига кўра қарздор Д.Раҳимовдан ундирувчи А.Алимарданова фойдасига икки нафар воғя этмаган фарзандининг моддий таъминоти учун 1/3 қисм миқдорда алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатида келтирилишича, қарздор жами 1.848.970 сўм алимент қарзини тўламастан келган. Суд ижросини томонидан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 421-моддасига кўра қарздорга нисбатан Узбекистон Республикасининг вақтинча чиқишини чеклаш бўйича 2010 йил 9 февраль куни таққ қўйилган ва ушбу вақт ичида 1.848.970 сўм алимент пули А.Алимардановага тўлиқ ундириб берилди. Ҳозирги кунда ҳудудий бошқарма томонидан 150 дан ортиқ қарздор жисмоний шахсларнинг Узбекистон Республикасининг чиқишини вақтинча чеклаш бўйича таққлар қўйилган.

Бешинчидан, суд ижрочиларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ижро самардорлигининг ўсишига хизмат қилади. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъ-

**Фахриддин ХУШНАЗАРОВ,**  
Сурхондарё вилоят прокуратураси  
булим бошлиғи

минлашда суд ижрочиларига кўмаклашиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бу борада ҳудудий бошқарма томонидан ундирувлар самардорлигини ошириш мақсадида Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси, давлат соқлик бошқармаси, боғжона бошқармаси, электр тармоқлари корхонаси, газ таъминоти корхоналари, агробанк ва миллий банклар билан қўшма кўрсатмалар имзоланди.

Олтинчидан, қонунга киритилган ўзгаришлар билан мажбурий ижро жараёнида ундирув қаратилиши мумкин бўлган янги объектлар рўйхати киритилди. Унга мувофиқ, ундирув қимматли қоғозларга, қардорнинг дебиторлик қарзига, суриштирув, тергов органларининг ва суднинг депозит ҳисобварақларида вақтинча сақланаётган пул маблағларига қаратилиши мумкин.

Бундан ташқари, Узбекистон Республикасининг "Ижро иши юришти" такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Суд департаментининг ташкилий тузилмасига ҳам ўзгаришлар киритилди. Хусусан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишини таъминлаш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига тегишли қўшимча киритилиб, Суд департаментининг алоҳида мансабдор шахсларга суриштирувни амалга ошириш ҳўққи берилди.

Шу билан бирга, қонун билан Суд департаментининг директорига Узбекистон Республикасининг Бош суд ижросини, ҳудудий бошқармаларнинг бошқармаларига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижросини мақоми берилди.

Ушбу ислохотлар натижасида Суд департаментининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан соҳада сезиларли ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Хусусан, 2009 йилда суд ижрочилари томонидан 106 млрд. 386 млн. 170 миң сўмлик 78 миң 273 та ижро ҳужжатининг ижроси таомланди, шундан давлат фойдасига жами 56 млрд. 845 млн. сўмлик 33.090 та ижро ҳужжатларининг ижроси амалда таъминланди.

Бу эса, жами ижроси таомланган ижро ҳужжатлари суммаси ўтган йилга нисбатан 20 млрд. 866 млн. сўмга, сон жиҳатдан эса 28 263 тага ошганини кўрсатади. Шунингдек, 2009 йилда ижро ҳужжатларини ихтиёрли бажаришдан бўйин товланган шахслардан 59,8 млн. сўмлик жарима, суд ижрочилари томонидан 533,6 млн. сўмлик давлат божи ундирилди.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, албатта, ижро самардорлигининг ошишига ва ҳар бир ижро ҳужжатининг тўлиқ ижроси таъминланишига хизмат қилади.





Бугун иккинчи кундирки, ёмғир деярли тинмайди. Гоҳо озроқ вақт тўхтайлди-ю сўнг яна забтига олади. Ўша кунни ҳам эрта тонгла шивалаб туриб, сўнгра кучайди. Малоҳат (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бекатга етиб келгунча яхшигина ивида. Яхшиям автобус турган экан, чиқиб олди. Аммо беш-ўн лаққа ўтди ҳамки, автобус жойидан жилай демаяди. Ўқишга кеч қолишни ўйлаб такси ушламоқчи бўлди. Йўл четиди қатор турган автомашиналардан бирига яқинлашди.

— Ака, Тошкентгача олиб бориб кўясизми?  
— Ўтиринг.

"Жигули" зумда Қибрайни ортда қолдириб, пойтахтга йўл олди. М.Улуғбек туманига етиб келгач, Малоҳат йўлиқирани тўлаб, ўқишга югурди...

Орадан икки-уч кун ўтган, Қибрайдаги автобус бекатига келган Малоҳатга киракш ҳайдовчилардан бири таниш кўринди. Яхшилаб аҳамият берса, ўша, ўзини ўқишга элтиб кўйган йигит. Индамай автобусга чиқиб кетди. Эртасига уни яна кўрди. Индинига ҳам. Шундагина ўша йигит ўзини кузатиб юрганини сезиб қолди. Бундан ўзини ноқулай сезса-да, сир бой бермади. Йигит унга яқинлашиб, ўқишга олиб бориб кўйишни таклиф қилди. Аммо Малоҳат кўнмади.

Шундай кунларнинг бирида ўқишдан келаётса, рўпарасида ўша йигит турибди. Уни четлаб ўтмоқчи бўлди, йигит бўш келмади. Гапга ҳам анча уста экан, кўп ўтмай қиз билан тил топишиб олди. Исми Карим эканлиги, отасининг машинасида кира қилиб, пул топишни айтиб берди. Шундан кейин бир-икки марта учрашди. Каримнинг ўзини тутиши биноийдек бўлиб, Малоҳат аввалига унинг гапларини тўғри қабул қилди. Аммо тезда йигитнинг асл мақсади аён бўлди. Навбатдаги учрашувда машина ичиди ўтирганларида Карим дабдурустан Малоҳатнинг қўлидан маҳкам ушлади-да, пул сўради. Бунинг кутмаган қизнинг эҳсонаси чиқиб кетаёзди.

— Карим ака, менда пул нима қилсин?! Ахир талаба бўлсам!

— Пулинг бўлмаса, қандай қилиб ўқишга таксиди қатнасан-а? Бошқа баҳона тополмадингми?

— Рост айтаяпман. Нега ишонмайсиз? — йилгасиради қиз. — Пулим бўлганда берардим.

— Майли, айтмоқчи, нега ўқишдан кейин "Богистон" маҳалласига тез-тез бориб турсан? Биронта қариндошларинг борми?

— Ҳа, ҳолам яшайдилар. Гоҳида уларниқиди ҳам яшаб турарман.

— Шунчақами? Холанг бой бўлса керак?

— Ҳага тўқ.

— Майли, ўзига тўқ бўлса, яна яхши. Ҳозир менга пул керак. Қачон топиб берасан? Аммо билиб қўй, пул топмастан, ўзингга жабр қилган бўласан. Мен билан ҳазиллаша кўрма. Бир гап чикса... қаерда бўлсанг ҳам топиб олам...

Қиз машинадан тушган заҳоти, Карим хайр-хўшни ҳам насия қилиб, жўнаб кетди. Малоҳат нима қилишни билмай, бироз турди. Кейин уйига йўл олди. Шу кеча ухлай олмади. Яқинлариға атайта ҳеса, Каримдан кўрқади. Важаҳатиға қара-

# Ўз кунларининг бирида

Умиджон ҲАСАНБОВ,  
Мирзо Улуғбек туман прокурори  
ёрдамчиси  
Фоғуржон АЛИМОВ,  
"Нуқид"



ганда, сўзининг устидан чиқадиганга ўхшайди. Уйлай-уйлай, қандай ухла қолганини ҳам билмай қолди.

Шундан кейин Карим анча-гача кўринмай кетди. Малоҳат бундан анча хотиржам бўлиб юрган эди, Карим тўсатдан пайдо бўлди. Яна пул сўради. Бу сафар ундан осонликча қутула олмаслигига кўзи етган Малоҳат, тез кунларда топиб беришига ваъда берди.

Эртасига эрталаб таваққал дея холасиникиға йўл олди. Бахтига уйда ҳеч ким йўқ экан. Ичкарига киргач, холаси яшириб кўйган жойдан икки-учта юз долларлик купюрани олиб, сумкасига жойлади. Ишни имижимда бажаргач, секин ташқарига йўл олди. Тушлиқдан кейин олдиға келган Каримга пулларини тутқазди. Йигит миннатдорчилик билдириб, яна гоийб бўлди. Бу орада уйдан пул йўқолганини билиб қолган холаси ўғирликда уни гумон қилиб, ҳайдаб юборди.

Малоҳатнинг боши қотиб қолди. Агар бу гапни онаси эшитса борми? Бу шармандаликка чидай олармикан? Уларга ростини айтмай ҳеса, кун кеча Карим илгари ҳам бир неча марта қамалганини айтиб, юрганин ёрган эди. Бунақа одамнинг қўлидан эса ҳамма нарса келади. Устига-устак Қибрайдаги уйда фақат онаси билан яшайди. Хуллас, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, тез кунда супермаркетга ишга кирди. Бироқ бу ерда ҳам омади чопмади. Кунларнинг бирида эркақлар атирини сездирмай сумкасига солган ҳам эди, ушлаб олиб, шу заҳоти ишдан бўшатиб юборишди.

Орадан кўп ўтмай нон олиш учун дўконга чиққанида Карим рўпарасидан чиқди. Яна пул сўради. Малоҳат энди унга пул топиб бера олмаслигини айтган эди, Карим бунинг ҳам йўлини кўрсатди:

— Ўзингга йўқ бўлса, ана, холангда бордир? Нима дединг?

— Билмасам?!

— Нимани билмайсан? Холлам ўзига тўқ яшайди, деган мидинг? Бўлди, ўша ерни "ай-ланаб" чиқамиз. Сен фақат қачон уйда ҳеч ким бўлмаслигини айтсанг бўлди. У ёғини амаллаймиз. Кўрқма. Сеням кўруқ қўймайман...

Уларнинг "бахтига" айнаи шу кунларда қўшни вилоятдаги қариндошлариникида тўй бўлиб қолди. Холаси оила аъзолари билан у ерга кетишини эшитган Малоҳат бу хабарни шу заҳотиёқ Каримга етказди.

— Мана, иш деган бундай бўлибди. Қачон кетишди дединг? Бугун кетишимми? Уйда ҳеч ким қолмагани аниқми, ишқилиб? Бўлмасам, бугун кечаси соат бирларда тайёр бўлиб турасан. Сени олиб кетаман.

— Нималар деяпсиз? Онам ўла қолса ҳам мени кечаси кўчага чиқармайди.

— Ундай бўлса, тонгга яқин келаман. Соат тўрт-бешларга яқин. Бўладими?

— Билмасам...

— Бўлди, гап битта. Етиб келишим билан хабар бераман. Тайсалламай, тез чик. Тушундингми?

Ярим кечаси Малоҳатларнинг эшигидан сал нариға "Жигули" машинаси келиб тўхтади. Уйдан сездирмай қил-

ғалиб, хона ичига кириб кетди.

— Ҳой, менга қара, ҳовлиға чиқиб дарвозани очгин, — Карим унинг орқасидан паст овозда буйруқ берди. Малоҳат шундоқ ҳам нима қилиш кераклигини яхши биларди. Шунинг учун дарчадан бошини чиқарди-да: — аввал итни қамаб кўяй, ечиқ бўлса керак, — дедю коронгиликда гоийб бўлди. Деворларни пайпаслаб, ҳовлиға чиққанда уни каттақон ит думини лиқиллатганча қарши олди. Малоҳат янглишмаган экан, холаси кўпинча у ёқ-бу ёққа кетишидан олдин итини ечиб юборар эди. Қиз итни бошини силаб, катағича олиб борди-да, ичкарига киргизиб, эшигини ёпиб қўйди. Кейин дарвозага яқинлашиб, эшикнинг зулфини туширди. Шу заҳоти ўзини ичкариға олган Карим савол назари билан қизга қараган эди, у боши билан иккинчи қаватдаги хонани кўрсатди. Шундан сўнг ўша ёққа йўл олишди. Хонанда шкаф билан дивандан ташқари, бир четда каттагина сейф ҳам турарди. Малоҳат индамай сейфга яқинлашиб, қўли билан секингина уриб қўйди.

— Оббо, энди бунинг қанақа қилиб очамиз? — Карим темир сейфнинг қалит солинадиган тешигига қараб турар экан, қизга ўтириди. — Тез пастга тушиб, бирор темирми ё ломми, топиб чик!

Беш-ўн дақиқада хонага қайтиб кирган Малоҳатнинг қўлидан ломни олгач, қизга ташқаридан хабардор бўлиб туришини тайинлаб, ўзи шовилмай сейфнинг эшигини буза бошлади. Анча урингач, эшикни очишга муваффақ бўлди. Анча-мунча тилла тақинчоқлар бор экан, ҳаммасини олиб, сумкага жойлади-да, қизга пастга тушаверишини айтди. Малоҳат хонандан чиқиб кетгач, чўнтагидан ёндиргич олиб, дераза пардасини ёқиб юборди. Олов зумда юқорига ўрмалар экан, эшикни ёпиб, ўзи ҳам пастга тушди. Улар кўчага чиқишгач, Карим тилла тақинчоқларни Малоҳатга тутқазиб, бирор жойга яшириб қўйишини, икки-уч кундан кейин олиб кетишини тайинлади. Машинага ўтиргач, Қибрайга йўл олишди. Карим Малоҳатни кўчасининг бошида қолдиргач, ўзи ҳам уйига кетди.

Тўйдан тушликка яқин қайтган оила аъзолари аввалига дарвозанин очқ эканлигига хайрон бўлишди. Ҳовлиға қиришди-ю итнинг кўринмаганиға янада таажубланишди. Шу

пайт кимдир юқори қаватдаги ётоқхонадан тутун чиқайтганини кўриб қолди. Ҳамма шошапиша ўша томон отилди. Эшикни очишган эди, хона тутунга тўла бўлиб, ҳеч нарса кўринмас эди. Дарҳол деразаларни очиб ташлашди. Тутун тарқагач, қарашса, кийим шкафи ҳам, дивану дераза пардалари ёниб битган экан. Сейфнинг эса юқори эшиги очқ бўлиб, ичи бўм-бўш эди. Хола шу заҳоти ўғилларини чақирди. Ҳамма жамул-жам бўлгач, бирин-кетин турли фарзалар ўртага ташлана бошланди. Албатта, уйга ўғри тушганигию, изни йўқотиш мақсадида ёнгин чиқарганлиги аниқ эди. Бироқ уларни пологон итнинг қамаб қўйилиши хайрон қолдирди. Бу ҳолат эса ўғри оилаға яқин одам эканлигидан дарак берарди. Ахир Малоҳатдан шубҳа қила бошлашди. Ахир у бу ерда маълум муддат яшаганлиги боис, ит унга термас эди-да. Аммо қиз боланинг қўлидан темир сейфни бузиш келмаслигини ўйлаб, унга кимна ёрдам берган деган тўхтамағ ҳам келишди. Милитсияга хабар беришди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Малоҳат экан. Тўй қандай ўтганлигини сўрамоқчи бўлибди. Холаси унга ўйларига ўғри тушиб, хонани ёқиб кетганини айтди, аммо ундан гумон қилишайтганини сездирмади. Бу гапларни эшитган Малоҳат, Карим уни пастга тушириб юборгач, хонани ёқиб юборганини билди. Шу кунни у кечгача ўзини қўярга жой тополмади. Тунда эса уйкусида ҳам ҳаловат бўлмади.

Эртасига уйкудан турдюю, холасиникиға йўл олди. Дарвозадан кириб келар экан, уни ёвқариб қилиб қарши олган холаси дабдурустан "кеча уйимизга ким билан кирдинг? Ахир биз тўйга кетганимизни сендан бошқа ҳеч ким билмайди-ку!" дея зугумга олган эди, Малоҳат шу заҳоти барча гапни яширмай, рўй-рост айтиб берди. Кейин эса, холасини бошлаб бориб, тилларани яшириб кўйган жойидан олиб, эгасига тутқазди. Каримни шу кунийёқ қўлга олишди.

Малоҳат тергов жараёнида йигитнинг айтган гапларидан фақат илгари ҳам камалиб чиққанигина рост эканлигини, унинг асл исми Ботир бўлиб, яшаш жойи ҳам умуман бошқа томонда эканлигини билиб олди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2009 йил 3 декабрь кундаги ҳукми билан Ботир Сиддиқовга қилмишиға яраша жазо тайинланди.

Сен фақат қачон уйда ҳеч ким бўлмасангнинг айтсанг бўлди. У ёғини амаллаймиз. Кўрқма. Сеням кўруқ қўймайман...

**"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сурхондарё вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади**

2010 йил 19 апрель соат 11.00дан бошлаб бошлангич баҳоси охиб бориши тартибдаги Аукцион савдосига Термиз тумани, "Хотиробод" ҚФЙ, Наврӯз маҳалласи худудидан сатҳи 700 м² (якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 м² ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун 300 м²) иборат 2 дона ер майдони қўйилади. Ҳар бир ер майдонининг бошлангич баҳоси 80000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сурхондарё вилоят филиалининг ОАТБ "Капитал банк" Термиз шаҳари филиали МФО 01032, ИНН 206761326, 20210000904537599017 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим: жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда берилган ишончнома, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу куни сотилмай қолган тақдирда 2010 йил 26 апрель, 3, 10 май кунлари соат 11.00дан бошлаб такрорий аукцион савдоси ўтказилади.

ДМК Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан юқоридаги ер майдонлари аукцион савдоси буйруғига ўзгартириш киритилганлиги сабабли "НУҚУҚ" газетасининг 2010 йил 28 январь 4-сонидagi "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сурхондарё вилоят филиали аукцион савдоси эълони ўз кучини йўқотади.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотни олиш манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси "Тадбиркорлар маркази" биноси, 2-қават 1-хона.

Тел/факс: (8 376) 770-84-01, 224-05-02  
Email: info@mulk.uz

**"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиали очик Танлов ва очик аукцион савдоларига таклиф этади**

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибдаги очик танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади.

1. Янгибозор туман ҳокимлиги балансидаги "Урганч-Гурлан" туманлари автомагистрал йўли бўйида жойлашган 1990 йилда қурилган, умумий ер майдони 50000,0 м², бино ва иншоотлар қурилиш ости ер майдони 6273,1 м² бўлган "Эски бино". **Бошлангич баҳоси 6 631 430 сўм.**

Танлов шarti: сотиб олиш бўйича энг юқори баҳонини таклиф этиш; бинони таъмирлаш, мулклар шароитини яхшилаш, энг юқори миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш.

2. Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳисобидagi "Автохизмат" МЧЖга қарашли, Урганч шаҳар, Саноатчилар кўчасида жойлашган, сотилмасдан қолган, 1974 йилда қурилган, умумий ер майдони 16247,0 м², бино ва иншоотларнинг умумий қурилиш ости ер майдони 2478,4 м² бўлган "Бино ва иншоотлар". **Бошлангич баҳоси 228 128 300 сўм.**

Танлов шarti: сотиб олиш бўйича энг юқори баҳонини таклиф этиш; 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш; бинони таъмирлаш, мулклар шароитини яхшилаш, энг юқори миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уйда 2010 йил 23 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичдан 3 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш

2010 йил 30 апрель, 7, 14 май кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

2010 йил 20 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб бошлангич баҳоси охиб бориши тартибдаги очик аукцион савдосига Шовот тумани, "Хитой" қишлоғи, "Узункўл" маҳалласи худудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун сатҳи 600 м² бўлган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 38-сонли жами 29 та ер майдонлари қўйилади, ҳар бир ер майдонининг бошлангич баҳоси 100000 сўм.

Аукцион савдоси Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 30-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда берилган ишончнома, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати тақдим этиш керак. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин соат 10.00да тўхтатилади.

Ушбу куни сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 27 апрель, 4, 11, 18, 25 май, 1, 8, 15, 22, 29 июнь, 6, 13, 20, 27 июль кунлари соат 11.00да ўтказилади.

Танлов ва Аукцион савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар закалат келишув тузилгандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдорда, ер майдонлари бошлангич баҳосининг 100 фоизи миқдорда "Respublika Mulk-Auktion" ДК Хоразм вилоят филиалининг Урганч шаҳар "Ипотека банк" Тинчлик филиалидаги МФО 00580, СТИР 206761326, 2021000004537599008 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шarti.

Қўшимча маълумотни олиш манзили: 220100, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уй, 1-қават, 106-хона. Тел/факс: (8362)770-44-01, 226-84-39  
Email: info@mulk.uz

**"Respublika Mulk-Auksioni" ДК очик Танлов савдоларига таклиф этади**

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибдаги очик танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади.

1.Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Микробиология институтига қарашли Бўстонлик тумани, "Юсуфхона" ҚФЙ худудида жойлашган "Биологик станция". Объект 1973 йилда қурилган бўлиб иккита бино (пайдовери бетондан, деворлари пахсадан, том қопламаси шиферли) ва боғи билан иборат. Умумий ер майдони 1 га. **Бошлангич баҳоси 191 967 301 сўм.**

Танлов савдоси шarti: - 191 967 301 сўмдан кам бўлмаган миқдорда сотиб олиш қийматини таклиф этиш; қисқа муддатда объектда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бошлангич қийматидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш.

2.Геология қўмитаси тизими корхоналари таъминот хизматларини кўрсатувчи "Гео-технаминот" давлат корхонасига қарашли Бўстонлик тумани, "Чимё" ҚФЙ худудида жойлашган "Дам олиш маскани". Объект 1975 йилда қурилган бўлиб умумий ер майдони 1 га. Объект иккита котежд биносидан, омборхона, ошхона, қозонхона, бостирма ва бошқалардан иборат. Бошлангич баҳоси 217 294 677 сўм.

Танлов савдоси шarti: - 217 294 677

сўмдан кам бўлмаган миқдорда сотиб олиш қийматини таклиф этиш; қисқа муддатда объектда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бошлангич қийматидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш.

Танлов савдоси қўбилари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотида шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олинган тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани объектнинг олди-сотида шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлашлари шarti.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда (ДМК биноси 1-қавати чап қанотидаги савоалар зали) 2010 йил 19 апрель соат 11.00дан бошлаб бўлиб ўтади. Талабгорлардан танлов ҳужжатларини қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (16 апрель соат 17.00да) тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўлов амалга оширилганлиги тасдиқловчи ҳужжат нусхаси

тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдордаги закалат пули ва танлов ҳужжатлари учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридagi тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДКнинг ХОАТБ "ИнфинБАНК" МФО-01041, СТИР-206761326, 202100000804537599001 ҳисоб рақамига тўлашлари шarti. Ушбу кундаги танлов

савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2010 йил 26 апрель, 3, 10 май кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон 239-83-82. Факс: 150-34-46. Email: info@mulk.uz www.mulk.uz

**"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади**

**2010 йил 19 апрелда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати**

№	Мулкнинг номи	Баланс савдовчининг номи ва манзили	Манзил	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулкнинг бошлангич нархи (сўм)
1	Қурилиш тугалланмаган ётоқхона биноси	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компания" давлат корхонаси	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик-4 дахаси	Бино 1986 йилда ишта туширилган,бино ва иншоотлар майдони 1 000,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари гипслни.	397 645 200
Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар худудиди бошқармасининг 2010 йил 01 мартдаги 32х-П/0 соати буйруғига асосан, "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларида турган қуйидаги давлат активларининг бошлангич нархларига ўзгартириш киритилганлигини маълум қиламиз.					
1	М.Улугбек тумани, А.Югнакий мавзеси, 33 "а"-уй манзилида жойлашган "Тўш-сут" савдо дўкони	"Тошкент Трактор заводи" ОАЖ	Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, А.Югнакий мавзеси, 33"а"-уй	Бино 1987 йилда ишта туширилган, бино ва иншоотлар майдони 239 кв.м., фундаменти ва каркази бетон, деворлари панел, ертўласи мавжуд.	193 315 158,25
2	Қурилиш тугалланмаган поликлинника биноси	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компания" давлат корхонаси	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (собик "Сувчи") дахаси, Чо Мен Хи кўчаси	Бино 1996 йилда ишта туширилган,бино ва иншоотлар майдони 5400,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари гипслни.	2 098 542 572,89
3	Қурилиш тугалланмаган болалар боччаси биноси	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компания" давлат корхонаси	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, "Бинокор" кўргони	Бино 1989 йилда ишта туширилган,бино ва иншоотлар майдони 2 000,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари панел.	305 581 072,86
4	Қурилиш тугалланмаган поликлинника биноси	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компания" давлат корхонаси	Тошкент шаҳри, Хамма тумани, Янгибод дахаси, Шохсанам кўчаси	Бино 1990 йилда ишта туширилган, бино ва иншоотлар майдони 4 050,0 кв.м.,фундаменти бетон, деворлари гипслни.	944 870 438,68
5	Маъмурий бино	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компания" давлат корхонаси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзеси, 19/7-уй	Қурилиш тугалланмаган маъмурий биноси, бино майдони 3709,0 кв.м., шийпони 103 кв.м. фундаменти бетон, темир бетонли девор, ертўласи мавжуд.	1 618 931 500,00
6	4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги 180 кв.м.етрга тенг бўлган бир қисми	БФД, Тошкент ш.Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Одиҳўжаев кўчаси, 1-уй, 1-хонадон	Бино 1949 йилда ишта туширилган,бино ва иншоотлар майдони 180,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари гипслни, ертўласи мавжуд.	238 746 037,90
6	4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги 180 кв.м.етрга тенг бўлган бир қисми	БФД, Тошкент ш.Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Одиҳўжаев кўчаси, 1-уй, 1-хонадон	Бино 1949 йилда ишта туширилган, бино ва иншоотлар майдони 180,0 кв.м.,фундаменти бетон, деворлари гипслни, ертўласи мавжуд.	238 746 037,90

Қўшимча маълумотлар ва савдолар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv\_broker@mail.ru, www.gki.uz, gkiforg.uz Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМК Тошкент шаҳар худудий бошқармаси тел. 233-35-08.



**УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ТЕНДЕРА  
ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОМИССИЯ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ ПРИ ПРОДАЖЕ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО ИМУЩЕСТВА ИНОСТРАННЫМ ИНВЕТОРАМ**

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-672 от 20 июля 2007 года уведомляет о продлении срока подачи тендерных предложений по ранее объявленным тендерам:

**Срок приема тендерных предложений истекает в 12:00 часов дня по Ташкентскому времени 20 апреля 2010 года.**

Наименование предприятия	Адрес	Реализуемая доля (%)	Стартовая цена (долл. США)	Инвестиционные обязательства (долл. США)	Стоимость тендерной документации (долл. США)
УП «Ферганский завод фурановых соединений»	Ферганская область	100,0	37 000 000,0	2 600 000,0	2 000
СП ООО «IPAK YO'LI - TURIZM INVEST» (гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent»)	г.Ташкент	39,0	11 300 000	5 000 000	2 000
СП ООО «Grand Mir» (гостиница «Grand Mir»)	г.Ташкент	35,0	7 808 500	2 800 000	2 000
ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR»	г.Ташкент	25,0	640 000	150 000	100
Детский оздоровительный лагерь «Рохат»	Бухарская область	100,0	36 000	50 000	100

УП "Ферганский химический завод фурановых соединений" расположен в г. Фергане, Ферганской области, введено в эксплуатацию в 1946 году. Предприятие производит: хлопковую целлюлозу, фуритол-107, фурфуроловый спирт, технический этиловый спирт, фурфурол, буровой реагент ФХЛ-1 и хлопчатобумажную вату.

Гостиница "Dedeman Silk Road Tashkent" расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц Алишера Навои и Амира Темура. Гостиница "Dedeman Silk Road Tashkent" присвоена категория "4 звезды". Гостиница имеет 206 комфортабельных номеров, ресторан, кафе, бар, ночной клуб, также имеются все удобства для проведения конференций и деловых встреч. На территории гостиницы функционирует оздоровительный клуб "Life Style".

Гостиница "Grand Mir" расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц У.Насыра и Кунаева. Гостиница "Grand Mir" присвоена категория "5 звезда". Отель имеет 126 комфортабельных номеров, два ресторана, кафе, бар, оздоровительный клуб, многоцелевые залы для проведения конференций и деловых встреч, вместимостью до 250 человек.

ОАО "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR" расположено в Як-касарайском районе г.Ташкента. Предприятие введено в эксплуатацию в 1997 году. Основным видом деятельности

предприятия является строительно-монтажные работы, капитальный ремонт и строительство внутриквартальных и магистральных теплосетей, общестроительные работы на объектах коммунального хозяйства.

Детский оздоровительный лагерь "Рохат" расположен в Алатском районе Бухарской области. Введен в эксплуатацию в 1974 году, находится на балансе Отдела сельского и водного хозяйства Алатского района. Рассчитан на приём и обслуживание 160-190 человек в год. Общая площадь 9 078 кв.м., в т.ч. под зданиями и сооружениями - 895 кв.м. На территории имеется 11 зданий и сооружений.

Инвесторы, желающие участвовать в тендере, должны подать соответствующим образом заполненную и подписанную Заявку на участие и Заявление о соблюдении конфиденциальности.

В этом случае пакет тендерной документации, включающий Информационный меморандум, Правила проведения тендера и Форму тендерного предложения, может быть получен после его оплаты и представления в Госкомимущество Республики Узбекистан заполненной и подписанной Заявки и Заявления о соблюдении конфиденциальности с приложением копии документа, подтверждающего оплату.

Оплату за пакет тендерной документации необходимо

перечислить на один из следующих счетов Госкомимущества Республики Узбекистан:

Валютный счёт № 20203840500600289001  
Расчётный счёт № 20203000600600289001  
в ОПЕДУ АИКБ "Ипак ЙГли" 100135, г.Ташкент, ул. Фархадская 12-А

ИНН: 201122696, МФО: 00444 S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Вскрытие пакетов с тендерными предложениями состоится 20 апреля 2010 года в 16:00 часов по Ташкентскому времени в зале заседаний Госкомимущества Республики Узбекистан (5 этаж).

Участники тендера или их уполномоченные представители, подавшие тендерные предложения в установленном порядке, вправе принять участие при вскрытии пакетов с тендерными предложениями.

**По всем вопросам, относящимся к проведению тендера, просьба обращаться:**

В Главное управление Госкомимущества Республики Узбекистан, Республика Узбекистан, г.Ташкент, 100003, проспект Узбекистанский, 55. Здание Госкомимущества, 8-этаж.

К вниманию Маматову Одилжону Абдугафаровичу. Телефон: +99871 259-21-90. факс: +99871 259-20-72. Веб сайт: [www.gki.uz](http://www.gki.uz)

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎГРИСИДА ХАБАРНОМА**

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганини маълум қилади:

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2010 йил 20 апрель куни Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.**

Корхонанинг номи	Манзили	Сотиладиган улуш (%)	Бошланғич нархи (АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (АҚШ долл.)	Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи (АҚШ долл.)
«Фаргона фуран бирикмалари кимё заводи» ОАЖ	Фаргона вилояти	100,0	37 000 000,0	2 600 000,0	2 000
«IPAK YO'LI - TURIZM INVEST» ҚҚ МЧЖ («Dedeman Silk Road Tashkent» мەхмонхонаси)	Тошкент шаҳри	39,0	11 300 000	5 000 000	2 000
«Grand Mir» ҚҚ МЧЖ («Grand Mir» мەхмонхонаси)	Тошкент шаҳри	35,0	7 808 500	2 800 000	2 000
«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОАЖ	Тошкент шаҳри	25,0	640 000	150 000	100
«Рохат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Бухоро вилояти	100,0	36 000	50 000	100

«Фаргона фуран бирикмалари кимё заводи» УК Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфурол спирти, этилланган техник спирти, фурфурол - 1 нав, ФХЛ-1 бургулаш реагенти, тойпахта мажсулотларини ишлаб чиқаради.

«Dedeman Silk Road Tashkent» мەхмонхонаси Тошкент шаҳри марказида, Алишер Навоий ва Амир Темура кўчаларининг кесилишида жойлашган. «Dedeman Silk Road Tashkent» 4 юлдузли мەхмонхона ҳисобланади. Мەхмонхонада 206 та шинама хона, ресторан, кафе, бар, тунги клуб мавжуд, шунингдек конференция ва уршулвал ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Мەхмонхонада "Life Style" соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатади.

«Grand Mir» мەхмонхонаси пойтахтининг марказида У.Но-сир ва Кунаев кўчаларининг кесилишида жойлашган. «Grand Mir» мەхмонхонаси 5 юлдуз мақомига эга. Мەхмонхонада 126 та шинама хона, иккита ресторан, кафе, бар, соғломлаштириш клуби, кўп мақсадли 250 кишилик конференция заллар мавжуд.

«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОАЖ Тошкент шаҳри Як-касарой туманида жойлашган бўлиб, корхона 1997 йилда ишга тушурилган. Корхонанинг асосий фаолият тури қуриш-монтаж ишлари, капитал таъмирлаш, магистрал ва

кварталлар ичидаги иссиқлик ўтказиш тизимларини капитал таъмирлаш ва қуриш, коммунал хўжалиги объектларида умумий қурилиш ишларини олиб боришдан иборат.

«Рохат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган бўлиб, Олот туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлимининг балансида ҳисобланади. Оромгоҳ йилга 160-190 кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони - 9078 м<sup>2</sup>, шу жумладан асосий бинолар ва иنشоотлар жойлашган ер майдони - 895 м<sup>2</sup>. Оромгоҳ ҳудудида 11 та бино ва иنشоотлар мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истиги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нуҳаси тақдим этилганидан сўнг олинishi мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекис-

тон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қўйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

Валюта рақами № 20203840500600289001  
Ҳисоб рақами № 20203000600600289001  
"Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12 - А уй  
ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифларини очилиши 2010 йил 20 апрель куни Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маромсида қатнашиш ҳуқуқига эгадилар.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қўйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси биноси, 8-қават. Маматов Одилжон Абдугафарович эътиборига.

Телефон: +998 71 259-21-90. Факс: +998 71 259-20-72. Веб сайт: [www.gki.uz](http://www.gki.uz)

## Оммавий тартибсизликлар



Сешанба куни Қуддуснинг шарқий қисмида Хурва синагоғи очилишига қарши кўп миң кишилик норозилик митингларини бўлиб ўтди. Намойиш иштирокчиларидан 42 нафари ҳибсга олинди. АФР хабарига айтилишича, намоийшчиларнинг полиция билан тўқнашуви оқибатида саккиз нафар фаластинлик турли даражада тан жароҳатлари олиб, касалхоналарга жўнатилган, шунингдек ҳуқуқ-тартибот органларининг олти нафар ходимига жароҳат етказилган. Ававал хабар қилинганидек, норозилик намоийши ХАМАС ҳаракати томонидан эълон қилинган "нафрат куни" доирасида уюштирилган. Ҳаракат етакчилари барча фаластинликларни "Исроил босқинчи куралига" қарши чиқишга даъват этишмоқда. Оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарган митинглар Шуафат қочоқлар лагерларида, Қуддус ва Рамаллох оралигида жойлашган "Каландия" назорат-ўтиш пункти яқинида, Хеврон ва бошқа аҳоли янаши жойларида бўлиб ўтмоқда. Норозилик ҳаракатларида асосан талабалар иштирок этаётти. Полиция устига тош ва ёнувчи суяк-лик тўдирилган шишаларни улоқтираётган намоийшчиларни тарқатиб юбориш учун ҳуқуқ-тартибот поёсонлари резина ўқлар, шокволли гранаталар ва қўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишга тўғри келди. Бунга жавобан эса намоийшчилар ахлат қути-лардан баррикадалар ясаб, автомобил шишаларини ёндиришган.

## Мухолифат ваъдасини бажарди

Ташкилдорлар норозилик ҳаракати иштирокчилари 16 март куни мамлакат ҳуқуқати биносига асосий кириш йўлига аввалдан тўпланган қон билан бўяб чиқишди, деб хабар беради Associated Press. Шу тарихда "қизил куйлаклар" - 2006 йилда лавозимидан тўдирилган Таксин Чинават тарафдорлари янги сайловлар ўтказишини талаб қилиб, раъсий қурбонлик келтирдилар. Бангкок полицияси воқеаларга аралашмай, намоийшчиларнинг бир неча юз литр қон микдорини тўкишларини четдан кузатиб турди. Норозилик ҳаракати миллий телевидение орқали тўғридан-тўғри намоийш этилди. Қон йиғишга бағишланган таъбирда эса бир неча миң нафар намоийшичи иштирок этгани хабар қилинди. Ҳар бир донорга унинг қони ҳуқумат биноси олдида тўкиб чиқиши шарт билан 200 миллионлиран қон топшириш таклифи қилинган. "Диктатурага қарши демократия учун боришган фронт" фаолларининг айтишларича, бу ҳаракат мансабдорларни "уларнинг қони-

ни устидан юриб" ишга келишга мажбур қилиш мақсади билан қўлайди. Хабарда айтилишича, бир неча булда монахалар ҳам қон топширувларни қаторида наъбат эгаллашган. Маълумки, амалдаги қонун уларнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишини таъқиқлайди. Дастлабки маълумотларга қараганда, донорлардан қарийб 500 литр қон йиғилган, лекин бу қон тўлиғича ҳуқуқат биноси олдида оқизиб чиқилган эмас. Янги норозилик ҳаракати Таиланд пойтахтида 13 мартда бошланган эди. Эртаси куни Бангкокга келган намоийшчилар сон 100 миң кишига етди. Полиция маълумотига қўра 16 март куни уларнинг сон камайиб, 90 миң кишини ташкил этган. Интернет хабарлари асосида Б.НАЗАРОВ тайёради

Халқаро ҳаёт

